



197

Самарканд вилояти Самарканд тумани, Gulobod qo'rg'oni  
Tel.: +998 (366) 612-55-31, faks+998 (366) 612-50-90

140300, село Гулабад Самаркандского района Самаркандской области  
Тел.: +998 (366) 612-55-31 факс: +998 (366) 612-55-90

2015 у.г. «15» июн

№ 822-К

Фуқаро Жўраева Матлубага умумий овқатланиш, савдо дўконлари, автотеххизмат, аҳоли  
маиший балонларига суюлтирилган газ қуйиш, автомобилларга сиқилган газ қуйиш  
ҳамда ёқилғи қуйиш шаҳобчалари қуриш учун ер майдони ажратиш ва қуришга  
рухсат бериш тўғрисида

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини  
қўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси, Давлат экологик экспертизасининг 2015 йил  
июндаги 757-сонли хулосаси, “Қишлоққурилишлойиҳа” институтининг 2015 йил 04 июндаги  
15/4-336 сонли хулосаси ҳамда фуқаро Жўраева Матлубанинг туман ҳокими номига ёзган  
арзасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23-моддасига асосан,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини  
қўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер  
сўраш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Тумандаги “Улуғбек” қишлоқ фуқаролар йиғини, МЧ “Гулистон-агротехсервис”  
фирмаси ер харитасининг 494-контуридан фуқаро Жўраева Матлубага умумий овқатланиш,  
савдо дўконлари, автотеххизмат, аҳоли маиший балонларига суюлтирилган газ қуйиш,  
автомобилларга сиқилган газ қуйиш ҳамда ёқилғи қуйиш шаҳобчалари бинолари қуриш учун  
1,2 га (шундан 1,2 га туман захирасидаги мелиоратив қурилиш ҳолатидаги ерлар ҳисобидан)  
ер майдони ажратилсин ва қуришга рухсат берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли  
қарорининг 1-иловасига асосан умумий овқатланиш, савдо дўконлари, автотеххизмат, аҳоли  
маиший балонларига суюлтирилган газ қуйиш, автомобилларга сиқилган газ қуйиш ҳамда ёқилғи  
қуйиш шаҳобчалари бинолари қуриш учун ажратилаётган 1,2 га 36 балли мелиоратив қурилиш  
ҳолатидаги ер майдони учун 24 160 032 сўм пул миқдори вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри  
қўриқмасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш вазифаси фуқаро Жўраева Матлубага юклансин.

4. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ  
кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2016 йил 01 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш  
қилиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж.Хўжамуродов) ва туман Ер ресурслари ва давлат  
кадастри бўлими (З.Олимов)га топширилсин.

5. Умумий овқатланиш, савдо дўконлари, автотеххизмат, аҳоли маиший балонларига  
суюлтирилган газ қуйиш, автомобилларга сиқилган газ қуйиш ҳамда ёқилғи қуйиш шаҳобчалари  
биноларини қуришдан олдин, Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 8, 39 ва  
40-моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш вазифаси фуқаро  
Жўраева Матлубага топширилсин.

6. Мазкур қарор тасдиғи “Вилоят туманларида ер участкаларини бериш (реализация қилиш)  
масалаларини қўриб чиқиш бўйича вилоят ҳокимлиги комиссияси” дан сўралсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари  
Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров